

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 102-ҳадис

102 – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكُلْ خَيْرًا، أَوْ لِيَصُمْتَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши сўз айтсин ёки жим турсин», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Сўзлаш -инсоннинг ички оламини намоён этувчи воситадир. Набий соллаллоху алайҳи васаллам бошқа бир ҳадисларида хабар берганларидек, мусулмон киши утружжа (хушбўй, лимонсимон ўсимлик ва унинг меваси)га ўхшайди. Унинг ҳиди ҳам, таъми ҳам ёқимли бўлади. Шу сингари мусулмоннинг сўзи ҳам ёқимли бўлади. У ғийбат ёки чақимчилик қилмайди. Балки ман этилган сўзлардан ўзини тийиб, оғзидан чиқадиган ҳар сўзни ўйлаб гапиради. Гапирса фақат яхши нарсаларни гапиради. Яхши ва муносиб сўзни тополмаса, сукут қилади, жим туради. Чунки айтилган ҳар сўз инсоннинг фойдасига ёки зарарига бўлади. Демак, ҳар бир киши ўзи учун муносибини танласин!

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ҳақиқий мўмин фақат рост сўзни гапиради.
2. Қабиҳ сўзни сўзлагандан жим турган афзал.
3. Тилни сақлаш дунё ва охиратда нажот беради.
4. Насиҳат, дуо ва одамлар орасини ислоҳ қилиш ҳам яхши сўзлар сирасига киради.
5. Ғийбат, чақимчилик, сўкиш ва ҳақорат қилиш ёмон сўзлар туркумига киради.
6. Ҳисоб- китоб кунини бўлмиш- Қиёмат соатида пушаймон бўлмаслик учун кўп гапирманг.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI